

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНГАН?

4.

@Xolisnazar

@Xolis_nazar

www.xolisnazar.uz

Маҳалла



№ 8
(2042) 2022 йил
26 февраль



2-
бет

**Маҳалла
раислари
нега 5 йилда
сайланмаяпти?**



9-
бет

**Миллион
долларлик
китоблар
қайтариладими?**

**«Ёшлар меҳнат
гузари»
ростдан
ёшларникими?**

5-
бет

ҲУКУМАТ ИХЧАМЛАШСА, БЮДЖЕТ ҲАМ ИХЧАМЛАШАДИ



2-3-бет



6-7
бетлар

**СПОРТ ФЕДЕРАЦИЯЛАРИДА
РАҲБАРЛАРНИ САЙЛАШ
КЕРАК, ТАЙИНЛАШ ЭМАС...**

«INTERMED»

**МОНОПОЛ
ТАШКИЛОТЛАРНИНГ
ЯНГИСИМИ?**



9-
бет

МУСОБАҚАЛАРГА ПУЛИ БОРЛАР ҚАТНАШАДИМИ?



12-
бет

ХУКУМАТ ИХЧАМЛАШСА, БЮДЖЕТ ҲАМ ИХЧАМЛАШАДИ

(1-мақола)

Куни кеча иккита янги тузилма — Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги тузилиши ортидан Ўзбекистондаги вазирликлар сони 25 тага етди ва бу кўрсаткич бўйича Марказий Осиёда, шунингдек, МДХ давлатлари орасида ягона миз. Қолаверса, кўмита, агентлик, инспекция, марказ ва уюшмалар сони бундан ҳам кўп. Давлат секторининг ҳажми ортса ортаптики, асло қисқармаяпти (тўғри, айрим давлат идораларида қисқартиришлар бўлди, лекин бу умумий кўринишни ўзгартирмайди). Хўш, ушбу вазиятда тузилмалар сонини ошириш эмас, қисқартириш энг яхши ечим эмасми?

МУАММО НИМАДА? Бошқарув тизимида давлат органлари сони кўп бўлар экан, ўз навбатида, уларга кетадиган харажатлар ҳам жуда салмоқли бўлади. Ҳатто давлат иштироки шарт бўлмаган соҳа ва тармоқларда ҳам давлатсифат уюшма, ассоциация ва шунга ўхшаш идоралар ташкил этилганки, бу билан фақат давлат бюджетидан пул оладиган ташкилотлар кўпайган, холос.

Мисол учун, биргина қишлоқ хўжалиги бўйича иккита вазирлик ва учта кўмита, яъни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолият юритмоқда. Ёки бўлмаса, бугун турли соҳалар бўйича 18 та инспекция бор. Айримлари бир-бирининг функциясини такрорлайди. Фаолияти тахлил қилинса, аксариятида шаффоқлик йўқ, ёпиқ тузилма. Бундай давлат органи, демакки, бюрократия нега керак? Бюрократия бор жойда эса коррупция ҳам, турли негатив факторлар ҳам кўпайиши аниқ.

Бир-бирини такрорловчи бундай вазирлик ва идоралар ҳукумат таркибида мавжудлиги бюджет харажатлари ошиши билан бирга, соҳаларда функциялар такрорланишига, ўзаро ўхшаш ёки зид меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишига ҳам олиб келмоқда. Шу ўринда Адлия вазири Русланбек Давлетовнинг: «Ҳукумат ихчам бўлиши керак. Ўзбекистонга жуда катта давлат аппарати тўғри кел-



Кўп ҳолатларда хусусий сектор давлатга қараганда яхши ишлайди.

майди. Унга кетадиган харажатлар жуда кўп. Ундан кўра, иқтисодни ривожлантиришга йўналтиришимиз керак. Қанча давлат органи кўп бўлса, шунча иқтисодиёт юриб кетиши қийин бўлади», деган фикрлари бежиз эмаслигини эслаш киёфоя.

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК? Ихчам ҳукумат тушунчаси бутун давлат бошқаруви тизимига татбиқ этилиши ҳаётини зарурат. Буни мавжуд штат бирикларини қисқартириш ёки «сокращения» деб нотўғри тушунмаслик керак. Аксинча, оптималлаштириш жараёни давлат органларига юклатилган вазифаларни қайта кўриб чиқиш натижасида такрорловчи ёки самарасиз функцияларни аниқлаш ва бартафар этиш орқали тизимни такомиллаштиришга қаратилиши лозим (қисқартиришларни ўтган даврдаги каби фақат шифокорлар ва ўқитувчилар ҳисобига хастапилашдан қочиш керак).

Шунингдек, ҳар бир орган ўзига юклатилган вазифани қиладиган, функциялари такрорланмай-

диган, давлат органининг ҳар бир ходими фақат ўзига юклатилган ишни бажарадиган ва ўшанга ойлик оладиган тизим керак. Ҳар бир ходимнинг фаолияти аниқ мақсадларга йўналтирилган экан, эндиликда бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар бўлиши мумкин эмас.

Қолаверса, бошқарув тизимида «бир масала — бир муаммо» тамойилини жорий қилиш вақти аллақачон келган. Зеро, кўп кўрганмиз, одамлар оддий кундалик масалалар, мисол учун, ер ажратиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, банкдан кредит олиш жараёнида ҳам турли идоралар эшиги олдида сарғаяди. Ваҳоланки, фуқароларда ерни кадастр, лицензияни Давлат хизматлари маркази, кредитни банкнинг ўзида ҳал этиш имконияти бўлиши керак.

Бундан ташқари, хусусий сектор бажариши мумкин бўлган соҳаларда умуман давлат идораларини ташкил қилмаслик ва борларининг ваколатларини ҳам хусусий секторга ўтказиб юбориш мақсадга мувофиқ. Зеро, кўп ҳолатларда хусусий сектор давлатга қараганда яхши ишлайди. Бу борада қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда, лекин амалда нима бўляпти? Ҳозирча биз кутганчалик ўзгаришлар йўқ.

P/S. Айни йўналишдаги навбатдаги мақолаларимизда давлат ташкилотларининг бугунги фаолияти, уларнинг қанчалик самарали (ёки самарасиз) ишлаётгани, турли вазирлик ва идоралар ҳузурида тузилган жамғармалар ўзини қай даражада оқлаётгани ҳақида фикр-мулоҳаза алмашамиз.

Санжар ИСМАТОВ.



МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ

Нега 5 йилда
сайланмаяпти?

Айни кунларда барча маҳалларда фуқаролар йиғини раислари сайловига тайёргарлик бошланди. Бу каби сайлов сўнги бор 2019 йилда бўлиб ўтган.

Агар «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонунга қарасак, ҳаммаси рисоладагидек кетаяпти. Чунки қонун билан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш билан боғлиқ бир қатор янги қоидалар ўрнатилган бўлиб, муҳим ўзгаришлардан бири, бу фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг уч йилга сайланиши эди. Муқаддам улар икки ярим йилга сайланар эди.

Демак, 2022 йилда маҳалла раисларига сайлов ўтиши эътирозга сабаб бўлмаслиги керак. У ҳолда ходимлар нимадан безовта? Иккиланишнинг сабаби нимада? Гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва кенг жамоатчиликнинг фуқаролар йиғини раиси беш йил муддатга сайланиши ҳақидаги тақдир маълумланган эди. Ҳамда шу фармон асосида 2020 йил май ойигача Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларга фуқаролар йиғини раисини сайлаш муддати-ни узайтириш, сайлов жараёнини такомиллаштириш ва очиқлигини таъминлаш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш вазифасига юкланган эди.

Сезганингиздек, Президент фармонида кўра, 2024 йилда маҳалла раислари сайлови бўлиши керак. Аммо бугун барча йиғинларда раислар сайловига тайёргарлик бошлангани қандай тушуниш мумкин? Нима учун Президент фармонида кўрсатилган топшириқ бажарилмаяпти?

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги мутахассисларининг маълум қилишича, фармон асосида янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ва қабул қилишга юборилган. Аммо ҳозиргача шу қонун қабул қилинмагани учун Президент айтганидек, 5 йил эмас, балки эски тартибда 3 йилда сайлов ўтиши режалаштирилмоқда.

Хўш, Президент фармонини бажарилмаслигига ким айбдор? Нега қонун қабул қилинмади?

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Бу каби жамғармалар тўла тафтиш этилган ҳолда, бутунлай тугатилиши лозим.

РАКУРС

ҲУКУМАТ ИХЧАМЛАШСА,

БЮДЖЕТ ҲАМ ИХЧАМЛАШАДИ

(2-мақола)

Жамғарилган жамғармалар қачон очиқланади?

Сир эмас, қарийб ҳар бир вазирлик, кўмита ва идоранинг ўз «чўнтак»лари, яъни бюджетдан ташқари жамғармалари мавжуд (улар давлат божлари, йиғимлари ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий жарималар ва молиявий санкциялардан ажратмалар ҳисобига шакллантирилади). Давлат бюджетига параллел ғазна. Боз устига, улар мутлақо ёпиқ. Шу кунгача бирон марта на жамоатчиликка ва на парламентга бу каби жамғармалар ҳисобот топширмаган, маълумотларни очиқламаган, ялпи аудитдан ўтмаган. Қаердан миллиардлаб пул келяпти, қаёққа миллиардлаб кетяпти, ҳеч нима айтилмайди.

Жамғармалар қандай тўлдирилади?

Вазирликлар «бу бизнинг фойда, бу жамғарма пуллари ни истаганча ишлатишга ҳаққимиз бор» деб кўкрак керади, аслида эса бу давлатнинг, халқнинг пули. Бу жамғармалар маблағини давлат хизматчилари далада кетмон чопиб топаётгани йўқ, давлатнинг идорасида, давлат берган ваколатдан фойдаланиб даромад оляпти. 2019 йилда ўша вақтдаги Молия вазири (ҳозирги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири) Жамшид Кўчқоров ҳам бюджетдан ташқари жамғармаларга қаршилигини билдирганди.

«Улар давлат биносида ўтирибди, давлат хизматини кўрсатяпти. Тўғри, бу маблағларни тушириш учун меҳнат ҳам сарфланади, масалан, жарима ундириш учун жаримани аниқлаш ва расмийлаштириш керак. Лекин барибир бу тушумлар давлатники. Биз жорий йилда жисмонан улгурмадик, аммо келаси йил давомида бундай хос жамғармалар тўлиқ назоратга олинади. Шунда адолатдан бўлади», — деган эди Жамшид Кўчқоров.

Бироқ ўтган икки йил давомида бундай назоратни кўрмадик. Балки карантин бўлгани учун «чўнтак»



жамғармаларнинг бюджетга тўлиқ консолидация қилиниши яна қолиб кетгандир. **Хўш, ҳозирги Молия вазири Тимур Ишметов Жамшид Кўчқоров бошлаган бу масаланинг охирига етармикан?**

Яна бир гап: «чўнтак» жамғармаларни тўлдириш иштиёқи баъзан халқ зиёнига абсурд қарорлар қабул қилишга олиб келиши мумкин. Мисол учун, Давлат тест маркази ўз жамғармасини тўлдириш учун абитуриентлардан тўлов ундиради. Ички ишлар вазирлиги эса «тонировка» ўрнатиш тўловини ҳамда унинг жаримасини ўта мантиқсиз равишда баланд қилиб белгилаб қўйган. АКТ соҳасининг «чўнтаги»ни тўлдириш учун UZIMEI тизими ўйлаб топилди. Қолаверса, Адлия вазирлиги Давлат хизматлари агентлиги тушумлари ҳисобидан бюджетдан ташқари маблағларга эга бўлади, Бош прокуратура эса Мажбурий ижро бюроси ҳисобидан ва ҳ.к.

Қонунчиликка кўра, давлат ташкилотлари жамғарма маблағларидан эркин фойдаланиши мумкин. Жумладан, улар ходимларига турли имтиёзлар бериши, қўшимча моддий рағбатлантириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга. **Бироқ бу ерда ҳам ҳақли савол туғилади:** масалан, бир ташкилотнинг жамғармаси бор ва ўша ташкилот ходимларига жамғарма пулидан уй олиб беряпти. Лекин бошқасида бундай жамғарма йўқ бўлса, у нима учун ўз ходимларига уй олиб бера олмаслиги керак? **Ёки жамғармаси йўқ вазирлик ходимлари ёмон ишлаяптими?**

ний тарзда пулини олсин. Шунда, назаримизда, давлат органлари иложи борича «пул топиш» (айрим ташкилотлар мана шу «чўнтак»ларини қаппайтириш учун ҳам халқ елкасига янгидан янги тўловлар ўйлаб топиб, ундириш ёки тўловлар миқдорини баланд қилиб белгилаш пайида бўлади) деган мақсаддан воз кечади ва ўзларининг қонуний масъулият ва ваколатларига амал қилиш билан банд бўладилар.

Давлатга 23 та жамғарма керакми?

Жамғармалар ҳақида сўз борар экан, **давлат мақсадли жамғармалари** таркибига ҳам эътибор қаратиш ўринли бўлади. Жумладан, «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунида давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ва харажатларига кўзимиз тушади ва **жорий йил учун 23 та мақсадли жамғарма** амалда фаолият юритишига гувоҳ бўламиз (бундай жамғармалар 2020 йил давлат бюджетида 20 та, 2021 йилда эса 18 та кўрсатилган).

Албатта, улар орасида пенсия, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ жамғармалар бўлишини тушуниш мумкин, бироқ уларнинг бунчалик кўплиги амалда қанчалик самара бераётгани қатор саволларни ўртага ташлайди.

— Масалан, биргина Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида учта жамғарма фаолият юритмоқда, — **дейди иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Самариддин Элмирзаев.** — Уччасини бирлаштирган ҳолда, ягона жамғарма фаолиятини йўлга қўйиш харажатларни камайтириш орқали самарадорлик ўсишига хизмат қилади. Яна бир жамғарма — Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси.

Биринчидан, соҳада соғлом рақобат муҳити мавжуд. Иккинчидан, фаолият ўта рентабелли. Айнан шундай шароитда алоҳида агентлигу алоҳида жамғарманинг нима кераги бор, деган савол туғилиши табиий. «Ўзбек-балиқсаноат» уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси давлат бюджети тўғрисидаги қонунда тасдиқланиши ҳам тушунарли. Чунки уюшмалар нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади. Бошқа томондан, мазкур соҳада соғлом рақобат муҳити шаклланиб бўлди. Энди бозор қонуниятлари асосида бемалол ривожланиши мумкин. Шу боис бундай жамғармаларни тугатиш вақти келди.

Умуман олганда, ўта муҳим ўнтага етар-етмас давлат мақсадли жамғармаларини сақлаб қолиш, бошқаларининг даромадларини эса марказлашган бюджетга тушишини таъминлаш, харажатларни республика бюджетидан молиялаштириш ўз-ўзидан харажатлар самарадорлиги ва самарали молиявий назоратга хизмат қилади.

Давлат ташкилоти топган пул ҳам давлатники, демаски, халқники бўлиши керак. У қайсидир ташкилотлар кўлида қолиб кетмаслиги лозим. **Бу каби жамғармалар тўла тафтиш этилган ҳолда, бутунлай тугатилиши, бундай зарарли «тажриба»га бошқа асло қайтилмаслиги лозим.** Агар жамғармалар орқали қайсидир алоҳида қувватлаш лозим бўлган қатламларга ёрдам бериш ҳақида масала кўйилса, бу имтиёзли кредитлар орқали эмас, барча учун амал қиладиган солиқ енгилликлари ёки тўғридан-тўғри трансфертлар ва нафақалар тақдим этиш орқали амалга оширилиши зарур. Шундан сўнггина солиқ юки, божхона тўловлари камаяди. Одамларнинг оз бўлса-да, молиявий аҳволи яхшиланишига имконият яратилади.

Санжар ИСМАТОВ.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонун имзоланди. Бу билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий тамойиллари белгилаб берилди.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНГАН?



Гап шундаки, аввалги қонун бўйича кўп ноаниқликлар бор эди. Жумладан, ногиронликни расмийлаштириш жараёни қийин ва камситувчи жараёнга айланганди. Тўғри, аввалги қонунда ҳам агар офисларда рампалар бўлмаса, бино мослаштирилмаган бўлса ва ногиронлар учун 3 фоиз бандлик квотаси бўлмаса, ташкилотлардан жарима олиниши белгиланганди. Лекин бу тизим тўлиқ ишланмасди.

Тошкентда бино ва иншоотларнинг озчилик қисми ногиронларнинг эҳтиёжларига мослаштирилган, уйғунлаштирилган транспортлар деярли йўқ, автобуслар ва бошқа турдаги транспортларда йўлни осонлаштирадиган ёрдамчи воситалар (овозли маякчалар ва ҳоказо) ҳам муаммо эди. Буларнинг барчаси кўзи ожиз ва эшитиши чекланганлар ва бошқа ногиронлиги бор инсонларни эркин ҳаракатланиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятидан маҳрум этарди. Бекатларнинг бирортаси ногиронлиги бор кишиларга мўлжалланган қулайликлар билан жиҳозланмаганди.

Ҳатто бадий адабиётларда, айниқса, болалар адабиётида ҳам ногиронларга камситувчи образ ва қаҳрамон сифатида қараларди. Масалан, бош қаҳрамон кучли, баланд, соғлом «ғайриоддий одам» бўлса, кўпол, чўлоқ, бир кўзи кўрмайдиган шахслар салбий қаҳрамон сифатида гавдантирилларди.

«Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонунда мана шу каби масалалар ечим топди. Ҳақли равишда бу қонунни миллий қонунчиликнинг ютуғи, деб ҳисоблаш мумкин. Унда илк бор ногиронлик ижтимоий ҳимоя ёки тиббиёт муаммоси эмас, балки биринчи

навбатда инсон ҳуқуқлари муаммоси сифатида таърифланди.

Аммо унда ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисида гапирилишига қарамай, ногиронликнинг таърифи ҳали ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимояси ёндашувига асосланмаган.

Ногиронлар ассоциацияси раиси Ойбек Исоқовнинг айтишича, ногиронликнинг соф тиббий таърифи тиббий ва ижтимоий экспертизанинг эътиборини фақатгина «организмининг функциялари турғун бузилгани сабабли ҳаёт фаолияти чеклангани даражасини» аниқлашга қаратади. Ногиронликни текширувдан ўтказишнинг бундай ёндашуви ишлашнинг, ногиронликнинг ва соғлиқни сақлашнинг халқаро таснифи (ICF) асосидаги биопсихосоциал (биопсихосоциал) моделига жавоб бермайди. Бошқача қилиб айтганда, инсон ҳаёт фаолиятининг чекланганлик даражаси нафақат соғлиқ ҳолати, балки атроф-муҳит омиллари туфайли ҳам юзга келади.

Янги қонуннинг 6-моддасида ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймаслик тамойили акс эттирилган. Бошқача қилиб айтганда, масалан, давлат муассасасида ёки транспортда зарурий жисмоний муҳит мавжуд бўлмаса, у

Натижада камситилишни ҳис қилганлар вақтларини, пулларини ва кучларини беҳуда сарф қилмаслик учун шунчаки бунга кўз юмишлари тайин.



ҳолда ногиронлар қонун асосида эркин ҳаракатланиш учун зарур шарт-шароитларни таъминламаган ташкилотни судга беришлари мумкин. Аммо улар судга мурожаат қилишлари ва адолатга эришишлари учун ҳам шарт-шароитлар яратилганми?

Судга мурожаат қилиш кўшимча молиявий харажатларни келтириб чиқариши мумкин. Аммо ногиронлар ушбу харажатларни кўтара оладими? Афсуски йўқ. Натижада камситилишни ҳис қилганлар вақтларини, пулларини ва кучларини беҳуда сарф қилмаслик учун шунчаки бунга кўз юмишлари тайин. Агар судларда ҳам шарт-шароитлар ва қулайликлар тақдим қилинмаса — унда улар нима ҳам қила олишарди?

Бундан ташқари, ногиронлик белгисига кўра камситилишнинг маънавий зарарини қандай баҳолаш мумкин ва уни ким қоплайди? Ногиронларнинг ҳуқуқий билимлари ва саводхонлигининг паст даражасини инобатга олиб, бу масалаларни барчасини яхшилаб ўйлаб чиқиш керак.

Аввалги «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда «Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз киришини таъминлаш, транспорт, транспорт коммуникациялари, алоқа ва ахборотдан фойдаланиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун» маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган эди.

Аммо Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг маълумотларига кўра, «бинолар ва ижтимоий инфратузилма объектларининг 85 фоизи ногиронлар фойдаланиши учун мослаштирилмаган». Пойтахт транспорт инфратузилмаси ногирон-

лар ҳаракатланиши учун мослаштирилмаган экан, вилоятлардаги аҳвол ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Мавзу юзасидан Ногиронлар жамияти раисининг биринчи ўринбосари Ботир Омонтурдиевнинг таъкидлашича, БМТ нинг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»сини ратификация қилиниши муносабати билан «Ногиронлар масаласи билан шуғулланувчи қўмита» ташкил қилиш лозим. Бу Ўзбекистонда имконияти чекланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг такомиллашувида муҳим қадамлардан бири бўлади.

Олий таълим муассасаларида имконияти чекланганларнинг тўсқинсиз ҳаракатларини таъминлашга қаратилган нормаларнинг ўргатилиши бўйича кўшимча фан киритиш керак. Ногиронларнинг транспорт воситаларидан фойдаланишида ва иш жойларида эркин ҳаракатлана олишига халақит берадиган тўсқинларни бартараф этиш ва уларни тегишли техник воситалар билан таъминлаш тизимини йўлга қўйиш лозим.

Ногиронлиги бўлган шахсларни келгусида маҳаллий кенгаш ва Олий мажлис депутатлигига номзодларини кўрсатиши учун квота ажратиш ҳам жуда муҳим. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни автотранспорт ҳайдовчилигига ўқитишда алоҳида худудлар кесимида лоақал 1 тадан бўлса ҳам автомактаблар ташкил қилинмаган. Қолаверса, ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашда ЯГОНА электрон платформа яратиш фурсати аллақачон етиб келган.

Мақсадбек ФАЙЗ.



Пойтахтда 561 та оғир тоифадаги Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати мавжуд.

ҲОЛАТ

КОММУНАЛ ХИЗМАТДАГИ МУАММОЛАР ҲАМУЗ БАРҲАМ ТОПМАЯПТИ

2021 йил «Гавҳар» хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатида белгиланган 687 минг сўм тўловни амалга оширдим. Бироқ хизмат кўрсатиш сифатидан нафақат мен, балки бошқалар ҳам норози. Ўз муддатини ўтаб, авария ҳолатида турган ертўладаги иссиқлик қувурларининг алмаштирилмаётгани сабаб хонадонларда иссиқлик меъёри етарли эмас. Шу боис аҳоли қўшимча иситиш қурилмаларини қўллашга мажбур. Хонадон эгалари, ҳатто асосий (шахта) қувурларни ҳам ўз ҳисобидан алмаштиришга мажбур бўляпти.

Албатта, бу муаммолар янгилик эмас. Бироқ бу соҳада давлат раҳбари бир қатор ташаббус кўрсатиб, зарур қарор ва фармонлар қабул қилишига қарамасдан, масъуллар ўз масъулиятини етарлича англаб етмаётгандай. Масалан, Президентнинг 2017 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, вазирилик зиммасига уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, уй-жой коммунал хизмат кўрсатишнинг замонавий шакли ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш вазифаси белгиланган бўлса-да, ҳамон уй-жой коммунал хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари кенг татбиқ этилгани йўқ.

Давлат раҳбари 2018 йил 26 октябрь куни Юнусобод туманига ташрифи чоғида профессионал сервис компаниялари ташкил этиш орқали кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган тақдимот лойиҳасини ўша мавсумдаёқ татбиқ этиш, ҳар бир кўп қаватли уйнинг эгасини топиб, уларга имтиёзлар бериш зарурлигини таъкидлаган эди.

Бироқ Юнусобод тажрибаси 2018 йилда эмас, 2020 йил тажриба тариқасида амалга татбиқ этилиб, тумандаги 110 та кўп қаватли уй бошқарув сервис компанияларига берилди. Бу тажриба 2021 йил барча вилоят марказларида, Чирчиқ ва Ангрен шаҳрида давом эттирилиб, 15 та бошқарув компанияси ташкил этилди, холос.

Маълумотларга кўра, айни пайтда пойтахтда 561 та оғир тоифадаги Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати мавжуд. Уй-



Аҳоли эса тўлаган пулига яраша сифатли хизмат кўрсатилишини яна беш йилдан кейин эмас, айнан бугун исташаяпти.

жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ўринбосари Назиржон Назировнинг маълум қилишича, жорий йил оғир тоифадаги ушбу ширкатлар яхши фаолият юритаётган Юнусобод ва Олмазор туманларидаги Бошқарув компанияларни жалб этиб, очик танлов асосида уларга ўтказилади.

Аслида-чи? Аслида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 январдаги «Тошкент шаҳрининг уй-жой коммунал инфратузилмасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2019 йилнинг 31 январигача бўлган муддатда кўп квартиралли уй-жой фондидани сақлаш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш учун бошқарув компаниясини аниқлаш бўйича танлов ўтказиш тартибини

тасдиқлаши зарур эди. Танловга қўйиладиган кўп квартиралли уй-жой фонди лотларининг рўйхатини аниқлаб, ушбу рўйхатни очик ҳолда, шу жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши белгиланган. Қолаверса, ушбу ҳужжатда кўп квартиралли уйни сақлаш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш учун бошқарув компанияси билан намунавий шартнома ишлаб чиқиши қайд этилган. Айнан ушбу қарор билан кўп квартиралли уй-жой фондидани бошқарув компаниялари томонидан бошқариш тизими белгилаб берилган.

Энг муҳими, ушбу қарор билан бошқарув компаниялари республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган қурилиш техникаси, кичик механизация воситалари, материаллар ва ускуналар учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмиёлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилган. Афсуски, ҳамон аксарият ХУМШларда зарур асбоб-ускуналар йўқ.

Санайверсак, бундай имконияту имтиёзлар, фармону қарорлар талайгина. Бироқ 5 йилдан буён бир тизимни йўлга қўя олмаган вазириликдан яна нимани кутиш мумкин?! Аҳоли эса тўлаган пулига яраша сифатли хизмат кўрсатилишини яна беш йилдан кейин эмас, айнан бугун исташаяпти.

Демак, масъуллар турли-туман тақдимот ва тажрибалар қўллавермасдан, соҳага оид амалдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тезкор бажаришга киришиши, Президент айтган бошқарув сервис компанияларини шу йилдан қолдирмасдан, кампаниябозлик асосида эмас, кўп квартиралли хонадонларда яшовчи аҳоли ҳақиқатдан ҳам самарали тизим эканини ҳис этадиган даражада амалиётга татбиқ этишлари зарур.

Достон РУСТАМОВ.

Mahalla 5

2022 йил №8 (2042)

Фуқароларнинг мурожаатига кўра, Миробод туманидаги «Yoshlar mehnat guzari» гўёки ёшлар учун эмас, бизнес учун ташкил этилган. Унда озиқ-овқат савдо дўкони, дори-хона ва меҳмонхона фаолият кўрсатмаётгани қайд этилган.

«ЁШЛАР МЕҲНАТ ГУЗАРИ» РОСТДАН ЁШЛАРНИКИМИ?



Хўш, бу ҳолат қанчалик асосли? Президентнинг 2018 йил 27 июндаги «Yoshlar — kelajagimiz» давлат дастури тўғрисида»ги фармонида асосан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида савдо-маиший ва кичик ишлаб чиқариш майдонларини ташкил этиш учун меҳнат кучи ҳаддан зиёд бўлган туманларда «Yoshlar mehnat guzari» комплекслари қурилиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги «Yoshlar — kelajagimiz» давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига эса «Yoshlar mehnat guzari» комплекслари — чакана савдо ва маиший хизматлар кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига имтиёзли шартларда ижарага жой ажратиш орқали ёшларни иш билан таъминлашга мўлжалланган мажмуа эканлиги қайд этилган.

Назаримизда, фуқароларнинг эътирози ўринсиз. Бироқ, давлат раҳбари фармонида қайд этилганидек, «Ёшлар меҳнат гузари» комплексларида кичик ишлаб чиқариш майдонлари ҳам ташкил этилиши зарур.

Юқоридаги ҳужжатлар асосида ҳудудларда «Ёшлар меҳнат гузари» билан бирга, «Yosh tadbirkorlar» коворкинг марказлари ҳам ташкил этилиши белгиланган. Ушбу марказ эса ёшлар тадбиркорлиги субъектларига имтиёзли шартларда бинолар, офис техникаси ва сарфлаш материалларини ижарага бериш, уларни Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга оширишга бошқача кўмак бериш, жумладан, бизнес режалар ишлаб чиқиш, маслаҳат, юридик, бухгалтерия ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш, форумлар, маҳорат дарслари ва семинарлар ташкил этишга мўлжалланган мажмуадир.

Афсуски, ёшлар бандлигини таъминлашга мўлжалланган ҳар иккала комплекс мажмуалари ҳудудларда етарлича қурилгани йўқ. Борларининг эса қандай фаолият юритаётганини назоратга олиш муҳим. Негаки, улар учун ер майдонлари «ноль» қийматда ёки бўш турган объектлар текинга берилган. Демак, ишонччи оқлаш ҳам зарур. Бунинг учун эса масъуллар фармон ва қарорда кўрсатилган талаблар ижросини таъминлаш юзасидан қатъий назорат ўрнатиши лозим.

Энг муҳими, ёшлар учун яратилаётган бундай имкониятлар кимларнингдир тадбиркорлик маконига айланиб қолмаслиги лозим.

Мақсад ҚҶЧҚОРОВ.

СПОРТ ФЕДЕРАЦИЯЛАРИДА РАЎБАРЛАРНИ САЙЛАШ КЕРАК, ТАЙИНЛАШ ЭМАС...



Ўтган ҳафта ўзбек спортида бир қатор муҳим ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Туризм ва спорт вазирлиги негизда Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги тузилди. Президент фармони билан Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов Спортни ривожлантириш вазири этиб тайинланди. Шу билан бирга, Миллий Олимпия қўмитаси раиси Рустам Шоабдурахмонов ўз аризасига кўра ишдан бўшади. Янги раҳбар МОҚнинг навбатдан ташқари Бош Ассамблеяси йиғилишида сайланиши қайд этилди.

Хўш, спорт тизимидаги бу ўзгаришлар нимани англатади? Бу янги Олимпиада циклига тайёргарлик жараёнлари билан боғлиқми? Умуман, спорт соҳаси нега йиллар давомида бир у ташкилотга, бир бунисига қўшиб келинди? Унинг ягона эгаси йўқми? Спорт федерацияларига турли ташкилот раҳбарларининг «куратор» сифатида бириктирилиши натижа бераптими?

Спортнинг эгаси йўқ... (ми?)

2016 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бор эди. Бу тузилма 2017 йил 15 февралда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига, 2018 йил 5 мартда эса Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига айлантирилди. Орадан уч йил ўтиб, 2021 йил 6 апрелда Туризм ва спорт

вазирлиги этиб қайта ташкил этилган тузилма жорий йил 18 февралда Спортни ривожлантириш вазирлиги сифатида муҳрланди.

Кўриниб турибдики, спорт соҳаси сўнгги беш йилда гоҳ у ташкилот билан, гоҳ буниси билан уйғунлаштирилди. Ўзи алоҳида мақомга эга бўла олмади. Қўмита бўлди, вазирлик бўлди, қўшилди, айрилди, яна қўшилди, яна ажратилди... Қизиқ, вазирлик номи ўзгартирилса ёки у тинимсиз ажратиб-қўшиб турилса, ишлар зўр бўлиб кетадими? Бу билан спортни ривожлантириб бўладими? Энг ачинарлиси, шу йиллар давомида спортни бошқарган ва бошқараётганлар бу соҳага мутлақо алоқаси йўқ одамлардан иборат бўлди.

Тузилманинг аниқ мақомга эга бўлмагани, ҳали номи, ҳали «эга»си ўзгаравергани натижаларда акс этмасдан қолмади. Мисол учун, «Токио — 2020» ёзги Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон вакилларининг кўрсаткичлари (учта олтин, иккита бронза) спорт соҳасида олдинга эмас, орқага қараб кетаётганимизни англатади. Таққослаш учун: Токиода «Рио — 2016» Олимпиадасида қўлга киритилган натижанинг (турта олтин, иккита кумуш, еттита бронза) ярмига ҳам эриша олмадик. Ё бўлмаса, куни кеча яқунланган қишқи Олимпиада ўйинларида Ўзбекистондан атиги битта спортчи иштирок этганини қандай изохлаш мумкин? Ваҳоланки, Қишқи спорт

Наҳотки, Ўзбекистонда спортнинг нон-тузини еган, аччиқ-чучугини тотган бирорта кадр топилмаса?

турлари ассоциация 2011 йилда ташкил этилган.

Шунча вазифа битта амалдорга кўплик қилади

Ўзбек спортида яна бир қизиқ «анъана» шаклланди. Яъни деярли барча спорт федерациялари ва ассоциацияларига давлат амалдорлари раҳбар қилиб қўйилган. Кимдир бунга «мажбурий» қўйилган, кимдир пиар учун, яна бошқаси шунчаки назорат қилиш учун бириктирилган. Жумладан:

Сенат Раиси Танзила Нормоева — Велоспорт федерацияси;

Сенат Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев — Регби федерацияси;

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Очилбой Рама-тов — Бокс федерацияси;

Бош вазир ўринбосари, Туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳакимов — Шахмат федерацияси;

Адлия вазири Русланбек Давлетов — Баскетбол федерацияси;

Миллий гвардия қўмондони Рустам Жўраев — Қўл жанги федерацияси;

Қурилиш вазири Ботир Зокиров — Оғир атлетика федерацияси;

Энергетика вазири Алишер Султонов — Байдарка ва каноэда эшкак эшиш (Rowing & Canoe) федерацияси;

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов — Волейбол федерацияси;

Мудофаа вазири Баҳодир Қурбонов — Аралаш жанг санъати ассоциацияси (ММА);

Президент хузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби Виктор Маҳмудов — Триатлон федерацияси;

Бош прокурор Ниғматилла Йўлдошев — Кураш федерацияси;

Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Баҳо-

дир Аҳмедов — Чим устида хоккей федерацияси;

Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев — Йога федерацияси;

Ўзбекистон Миллий банки раиси Алишер Мирсоатов — Теннис федерацияси;

«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори, сенатор Қувондиқ Санақулов — Сузиш федерацияси;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқарув раиси Мехриддин Абдуллаев — Енгил атлетика федерацияси;

«Ўзавтосаноат» АЖ бошқаруви раиси Шавкат Умурзоқов — Ўзбекистон гимнастика федерацияси;

АОКА директори Асаджон Хўжаев — Кикбоксинг ассоциацияси раҳбарлари саналади.

Ҳақли савол туғилади: наҳотки, Ўзбекистонда спортнинг нон-тузини еган, аччиқ-чучугини тотган бирорта кадр топилмаса? Юқоридаги йўналишларни шу спорт турларининг ичида юрган кишидан ортиқ ким билади яна? (аслида, бизда аксарият спортчилар фаолиятини тугатгач, бошини қайси деворга уришни билмай қолади. На улар қўллаб-қувватланади, на тизимга жалб этилади. Оқибатда спорт яна тизимдан йироқ раҳбарлар қўлида қолиб кетаверади).

Юқоридаги раҳбарлар бундан ташқари ҳам яна 2-3 та тармоққа жавобгар. Хўш, бир киши учун шунча вазифа кўплик қилмайди-ми? Қизиқ, бир куннинг ўзида амалдор лавозимидаги идораларига бориб улгурармикан? Агар ҳар бир лавозими ундан ҳар куни идорада бўлишни талаб қилмаса, ушбу мансабнинг бор ёки йўқлиги қанчалар муҳим? Бир вақтнинг ўзида бир нечта тармоққа жавоб бериш кишини зўриқтириб, ишчанлигини сусайтирмайдими?

Оғзимиз куйганидан қачон сабоқ чиқарамиз?

Спорт тизимининг эгасизлиги, аниқ бир раҳбарнинг йўқлиги, соҳанинг ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа тортилавериши бошқа масалаларда ҳам панд бермай қолмади.

Жумладан, шундай давр бўлдики, тузукроқ спортчи ҳам анқонинг уруғига айланди. Оқибатда 1996 йилдан 2016 йилгача ўтказилган турли даражадаги халқаро мусобақалар «маҳаллийлаштирилган» хорижликларсиз ўтмади. Ўзимизда шунча йигитлар бўла туриб, катта пул сарфлаб, бошқа мамлакатдан спортчи ёлладик. **Кўча-кўйдаги йигитларимизни кўздан кечириб, «сендан чемпион чиқади» дейишнинг ўрнига, вақтимиз Кавказдаги профессионал спорт мактабларидан спортчи қидириш билан ўтди.**

Оқибатда нима бўлди: Олимпиада ғолиблари сонига қисланса, Олимпиада медалларидан маҳрум қилинишда ўзбекистонлик спортчилар дунё бўйлаб етакчилар қаторида бўлди, десак адашмаймиз. Хусусан, допинг намуналари ижобий натижа кўрсатгани боис Артур Таймазов 2008 йилги ва 2012 йилги Олимпиада олтин медалларидан маҳрум этилди (бу борада спорт тарихида Таймазов ягона). Худди шундай, Ўзбекистон байроғи остида «Пекин — 2008»да кумуш, «Лондон — 2012»да бронза медалини қўлга киритган Сослан Тигиевнинг ҳам ҳар иккала медали допинг сабаб бекор қилинди. Хўш, буни оғзи куйиш дейимизми? Бундай ғалабалар бизга керакмиди?

Биласиз, **халқаро майдонда спортчининг қайси мамлакат шарафини ҳимоя қилаётгани инобатга олинади, кимлиги, қаерда шуғулланиши, миллати эмас.** Шу боис, очиғи, юқоридаги ҳолатларда медалларимиз сони камайиб қолганидан эмас, фирромлик билан бизнинг байроғимизни ҳимоя қилаётган спортчининг ғолиб бўлганига куюнганимиз ҳам бор гап.

Дўппини бошдан олиб ўйлаб кўрганда...

Спорт соҳаси вакиллари бир байроқ остида бирлаштириш мақсадида яхлит тузилмага айлантиришга ҳаракат қилинаётган экан, у ҳолда федерация ва ассоциация раҳбарларини «тепа»дан тайинлаш тажрибасига барҳам бериб, сайлов тизимига ўтиш зарур. Бу соҳадаги энг йирик муам-

монинг илдири — 30 йиллик мустақил Ўзбекистон тарихида спорт федерациялари, Олимпия кўмитасига сайловлар бўлмаган, ҳаммаси юқоридан тайинланганидир (тўғри, қайсидир раҳбар спорт кенгашлари томонидан сайланди, дейилади, бироқ бир марта бўлса-да, бир ўринга икки номзод курашгани, жараён ҳақиқий сайлов тартибидан ўтганини кўрмадик).

Қолаверса, давлат амалдорларини федерация раҳбарлигига тайинлаш амалиётинан воз кечиш вақти аллақачон етган. Тизимга йилдан-йилга кўпроқ маблағ ажратилапти. Лекин натижалар тескарисига, борган сари камайиб борапти. Бу нимадан далолат? Мониторинг йўқ, сўров йўқ, натижа учун жавобгарлик йўқ (тўғри-да, қайсидир йўналишга Сенат Раиси Танзила Норбоева, бошқасига Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Очилбой Раматов раҳбар бўлса, қайси спорт вазирлари юрак ютиб улардан ҳисоб сўрайди, қониқарсиз натижалар учун койиб берди ёхуд ишдан бўшатилиш билан кўрқита олади?).

Яна бир долзарб муаммо — хориж давлатларидан легионер-спортчилар «импорти»га чек қўйиш керак. Ўша легионерларга кетадиган харажатларни ҳам, медаль олишни ҳам ўзимизнинг йигитларга қўйиб берайлик. Буни боксчи, курашчи, оғир атлетикачи, таэквандочиларимиз Бразилия ва Японияда исботлаб беришди. Энди хориждан легионерлар эмас, етук мутахассисларни ҳамда спортчиларни тайёрлаш услуби ва тажрибасини олиб келиш зарур. Қолаверса, селекция ишларини ҳам тубдан қайта кўриб чиқиб, ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овул, шаҳар, посёлкаларда спортни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш керак. Шунда етук спортчилар ўз-ўзидан шаклланиб келаверади.

Ва ниҳоят, мониторинг ишлари тўғри йўлга қўйилиши, қониқарсиз натижалар учун кимдир жавобгар бўлиши керак. «Аёллар сони кўпайди, ёшлар сони ошди, авлодлар алмашинуви», деган гаплар билан мухлисларни алдаш ўзимизни алдашдан бошқа нарса эмас. Халқ тўлаган солиқлар ҳисобидан сўралган маблағ берилаптими, марҳамат қилиб, натижа ҳам кафолатланиши керак. Йўқса, мардларча тан олиб, «шунча маблағ сарфладигу, лекин эпловмадик», деб тан олишни ҳам билиш лозим.

Санжар ИСМАТОВ.

ШАХМАТДА

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА ЙЎЛ БЕРИЛМАГАН

Спортнинг шахмат тури бўйича жаҳон чемпионлари ва дунёга таниқли гроссмейстерларимиз борлигидан фахрланамиз. Аммо кейинги йилларда шахматчиларимиз биринкетин Қозоғистон, Россия, Америка Қўшма Штатларида бутунлай кетиб қолишмоқда. Нима учун? Биз тарбиялаган спортчиларни бундай йўл тутишига нима сабаб бўляпти?

Шахмат федерацияси атрофида икки йилдирки, машмашалар тўхтагани йўқ. Спортчиларни қовуштириб тургучи федерация кейинги пайтда жуда кўп танқидларга учрамоқда. Мисол учун, ўтган йили федерация ходимлари олти ойдан буён маош ололмаётганлиги ва бу борада Туризм ва спорт вазирлиги (ўша пайтдаги) вазири Азиз Абдуҳакимов масалага ечим топилди деса-да, барибир муаммо анча пайтгача ўз ечимини топмаганлиги айтилган эди.

Маълумотларга кўра, Шахмат федерацияси бюджет эмас, нодавлат тарзда очилган ташкилот. У ҳомийлик ва ўзи ишлаб топган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Ҳомий сифатида «Ўзбекнефтегаз» АЖ, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ, «Алоқабанк» ва Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги бириктирилган экан. **Демак, улар ўз хоҳишига кўра ҳомийлик қилмайди. Ҳомийлардан эса пул олиш анча мушкул.**

Шахматчиларимиз нега бизни тарк этишмоқда? 12 ёшида шахмат тарихида иккинчи энг ёш халқаро гроссмейстерга айланган Жавоҳир Синдоров шахматчилар федерация томонидан қўллаб-қувватланмаслигини, эътиборсизлик туфайли кўплаб шахматчилар бошқа давлат байроғи остида мусобақада қатнашишга мажбур бўлишаётгани ва ўзи ҳам шу йўлни танлаши мумкинлигини айтди. Исломбек Синдоров олти карра Осиё чемпиони, икки карра Жаҳон чемпиони бўлишига



Кўплаб шахматчилар бошқа давлат байроғи остида мусобақада қатнашишга мажбур бўлишаётгани ва ўзи ҳам шу йўлни танлаши мумкинлигини айтди.

қарамай, эътиборсизликлар туфайли шахматдаги фаолиятини тугатган. Гулрухбегим Тоҳиржонова тўсиқлар кўп бўлгани учун АҚШга кетиб қолганлигини таъкидлаган ва бу ҳақида ижтимоий тармоқларда эълон ҳам қилди. Темур Гареев, Антон Филиппов, Темур Кўйбақоров, Сергей Қаюмов ва бошқалар ўз федерациясини алмаштиришга мажбур бўлган. Опасингил шахматчилар Нафиса Мўминова ва Хулкар Тоҳиржонова Шахмат федерациясидан норози эканлигини билдиришган. Демак, кўриниб турибдики, спортчиларнинг кетишига фақат маблағ сабаб эмас.

Федерациянинг жаҳон чемпионларини тақдирлаш маросимига баъзи шахматчиларни чақиришни унутиб қолдирганини қандай изоҳлаш мумкин? Ёки бўлмаса, федерация томонидан мусобақаларга қатнашиш учун баъзи

шахматчиларга оғзаки тақриқ қўйилишидан барча аъзолар хабардор. Ҳаттоки: **«Бизнинг бир қатор иқтидорли, ёш қизларимизга йўл берилмаган. Бир қанча инсонлар эса фақат ўз яқинларини халқаро турнирларга юбораверган», дея вазир А. Абдуҳакимов ҳам тан олиб гапириб ўтган.**

Мавжуд ҳолатлар ёшларда норозилик кайфиятини уйғотмаслигига ҳеч ким кафолат бермайдди. Ўз чемпионларимизни, иқтидорли болаларимизни асраб қолишни ўйлаб кўриш вақти келмадимикан? Бунинг учун, албатта, федерациянинг иш тартиби ва тамойилини ўзгартириш зарур. Спортчилар ҳам маънан, ҳам моддий тарафдан қўллаб-қувватланмас экан, улардан натижа кутиш қийин.

Маълумотларга кўра, Туризм ва спорт вазирлиги томонидан 2021 йил давомида жами 6 та тадбир учун 2 млрд. 834,8 млн. сўм маблағ молиялаштирилиб, федерация томонидан 2 млрд. 208,4 млн. сўм сарфланган ҳолда, қолган 626,4 млн. сўм маблағ вазирликка қайтарилган. Айни пайтда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан федерация фаолияти ўрганилиб, нодавлат нотижорат ташкилот бўлгани боис, тўпланган ҳужжатлар «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига асосан Адлия вазирлигига юборилган.

Балки, тузилган янги вазирлик бундай муаммоларга ечим топар. Демак, кузатишда давом этамиз.

Нилуфар ЮНУСОВА.

Ўзбекистон университетлари ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА НЕГА КЎРИНМАЯПТИ?



Ҳар йили етакчи университетлар рейтинги эълон қилинганда, улар қаторида мамлакатимиздаги бирор-бир олий ўқув юртининг номини кўрмаймиз. Ҳатто «ТОП-5000» таликда ҳам улардан бирортасини топа олмаймиз. Афсуски, бу йил ҳам шу ҳолат такрорланди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида олий таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, таълим сифатини янада юқори босқичга олиб чиқиш бўйича имконият, амтиёзлар ва албатта, аниқ вазибалар кўйилган эди.

Мамлакатимиз олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган агентликлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш белгиланган.

Юқоридаги Президент қарори 2017 йилда, концепция 2019 йилда қабул қилинган. Орадан шунча вақт ўтди. Гарчи 2030 йилгача имкон бўлса-да, ўтган даврда энг муҳим параметрлар бўйича натижага эришилди? Яъни мамлакатдаги олий ўқув юртларини «ТОП-1000» талик рейтингига киритиш бўйича қандай чоралар кўрилди?

Балки, натижалар бордир, аммо афсуски, бу ҳақда кенг жамоатчилик аниқ маълумотга эга эмас. Лекин бир нарса аниқки, лоақал 1 тагина университетимиз ҳам 1000 таликка қира олмади.

Халқаро рейтингни қўя турайлик, ҳеч бўлмаса, Евроосиё рейтингига ҳам бирорта ўзбек университети йўқ.

Ачинарлиси, Қозоғис-

тон, Озарбайжон сингари давлатларнинг бир эмас, бир неча университети «Топ 1000» таликка кирган бўлса-да, биз ҳамон бунга орзу қилиб яшаймиз.

Тўғри, университетлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хорижий университетлар филиалларини ташкил этиш бўйича қилинган ишларни эътироф этмаслик инсофдан эмас. Аммо бу мезонлар олий таълим сифатини халқаро талабларга жавоб бериши учун камлик қилади.

Авалло, ҳар бир университетнинг энг муҳим ресурси унинг олим ва ўқитувчилари ҳисобланади. Инсон капитали, яъни олим ва ўқитувчилар малакаси, билим ва тажрибасини оширишга киритилган инвестицияни энг муҳим инвестиция сифатида тан олмагунча университетларимизнинг халқаро рейтинги ошмаслиги аниқ. Инсон капиталига инвестиция фақат уларнинг маоши билан боғлиқ эмас, балки педагогик ва тадқиқот қобилиятини ўстириш ҳамда илмий даражасини оширишни ҳам ўз ичига олади.

Минг таассуфки, бизда профессор-ўқитувчилар малакаси билан боғлиқ жиддий муаммолар бор. Давлат университетларида ҳам, хорижий университетлар филиалларида ҳам ўқитувчиларнинг қатта қисми магистр даражасида эканлиги муаммонинг нақадар жиддийлигини кўрсатади. Хорижий университетлар филиалларида хорижда таҳсил олган ўқитувчилар бўлса-да, уларнинг аксари илмий даражага эга эмаслиги, давлат университетларида эса хорижда таҳсил олган профессор-ўқитувчилар деярли йўқлиги ачинарли ҳол.

Тўғри, 2022 йилда Буюк Британиянинг «Times Higher Education» агентлиги «Young University Rankings – 2022» (Ёш университетлар рейтингини – 2022) рейтинг натижаларига кўра, республикадаги 4 та олий таълим муассасаси илк бор янги турдаги мақом — «Reporter» университетлар қаторида эътироф этилди. Булар Тошкент давлат юридик университети, Тошкент педиатрия

Ўзбекистон Республикасида таълим олиш учун хорижий фуқароларни жалб этиш бўйича маҳаллий ва хорижий агентликлар томонидан консалтинг хизматлари кўрсатилишининг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилдими?

тиббий институт, Турин политехника университети, Урганч давлат университетларидир.

Аммо бу рейтинг халқаро тан олинган 3 та рейтингга тенг бўла олмайди. Келинг, энди концепцияда белгиланган вазибалар ижросига ҳам тўхталсак.

«Study in Uzbekistan» («Ўзбекистонда таҳсил ол») лойиҳаси амалга оширилдими? Шахсан ўзим интернетда бу лойиҳа бўйича берган сўровимга uz доменидан биттагина ҳавола топа олдим, холос. Қолгани net, com доменидаги ҳаволалар эди. Ўша битта сайт <https://unizone.uz/> бўлиб, ким томонидан ва қандай мақсадда ташкил этилганини аниқлашнинг имкони бўлмади. Сайтда кўрсатилган телефон рақами кимнингдир шахсий рақами бўлиб чиққани янада таажжубланарли.

Мутасаддилар мамлакат таълим жозибдорлигини тарғиб қилувчи махсус веб-портал яратиш ва уни барча олий таълим муассасалари бўйича батафсил ва ишончли маълумотлар билан тўлдириб боришни йўлга қўйишдими? Агар бу ишлар қилинган бўлса, нега очик, шаффоф маълумотлар бериб борилмапти? Шу лойиҳа доирасида юртимиз

олий ўқув юртларига келиб ўқиётган талабалар сони неча бундан аввалги йиллар билан солиштириб эълон қилинмапти?

Webometrics ташкилоти рейтинг тизимида олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтлари эгаллаган ўринларини яхшилаб бориш, шу жумладан олий таълим муассасалари томонидан етакчи ташкилотлар ва корхоналарда битирувчиларнинг ишга жойлашиши ҳақидаги маълумотлар, таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари, илмий-техник салоҳияти, профессор-ўқитувчилар, инфратузилмаси, эришган ютуқлари каби асосий маълумотларни веб-сайтларда мунтазам равишда эълон қилиб бораётими?

Қайси хорижий мамлакатларда маҳаллий олий таълим муассасалари филиаллари ташкил этилди?

Ўзбекистон Республикасида таълим олиш учун хорижий фуқароларни жалб этиш бўйича маҳаллий ва хорижий агентликлар томонидан консалтинг хизматлари кўрсатилишининг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилдими?

Бу саволларнинг барчаси айнан юқоридаги концепцияда белгиланган вазибалар ҳисобланади.

Мақола мавзусидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Миллий университетининг бу борадаги натижаларига эътибор қаратдик. Университет сайтида мавзу юзасидан маълумотлар билан ҳам танишдик.

Маълум бўлишича, 2021 йилда Миллий университет Лондон Quacquarelli Symonds халқаро агентлиги томонидан Ривожланаётган Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича 2021 йил учун энг кучли университетлар рейтингини (QS Emerging Europe and Central Asia University Rankings)да кучли 500 таликка кирган.

Сайтда халқаро рейтингга кириш учун кўйилган талаблар асосида университет режалари инфографика шаклида берилган. Жумладан, хорижий профессор-ўқитувчилар сонининг 2020 йилдан 2025 йилгача ўсиш динамикаси, магистратура, докторантура ва малака ошириш бўйича режалар, халқаро рейтингга кириш даражаси, 2025 йилгача хорижий талабалар салмоғини ошириш, халқаро қўшма дастурларнинг сонини кўпайтириш каби маълумотлар келтирилган. Унга кўра, 2020 йилда хорижий профессор-ўқитувчилар сони 105 та бўлса, 2021 йилда 282 та, 2022 йилда эса 320 тага етказиш кўзланган. Хўш, шу режа бўйича жорий йил хорижий профессор-ўқитувчилар сони 320 тага етдими? Ёки бугунга келиб, университетдаги хорижий талабалар сони 200 тани ташкил этадими? Иш берувчилар билан университет қандай алоқалар ўрнатган? Бугун битирувчиларнинг неча фоизи иш билан таъминланиши кафолатланган?

Шу саволлар билан университет мутахассиси доцент, фалсафа фанлари доктори Жалолиддин Юсупов билан боғландик. Афсуски, юборган саволларимизга ҳамон жавоб ола билмадик.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, биринчидан, халқаро академик ҳамжамият билан ҳамкорликни ривожлантириш, университетларни танилиш имкониятини ошириш, олий ўқув юртларимизда профессор-ўқитувчилар сонини кўпайтириш лозим. Иккинчидан, иш берувчи билан муносабатларни ривожлантириш керак. Чунки QS рейтингига айнан иш берувчининг битирувчи ҳақидаги тасавури инобатга олинади.

Умид қиламизки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий университети юқорида келтирилган саволларга жавоб қайтаришади.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.

«INTERMED»

МОНОПОЛ

Ташкилотларнинг янгисими?

Соғлиқни сақлаш вазири жуда ишбилармон чиқиб қолди-ку. Нега дейсизми? Поликлиникага қон таҳлиллари топширишга бордим. Эргалабдан навбат катта. Бунга қарангки, лаборатория ёнидан хусусий лаборатория ҳам ўз фаолиятини бошлаб юборибди. Эшик тепасига «Intermed» деб ҳам ёзиб қўйишибди. Табиийки, навбатда ҳеч ким йўқ. Ҳамма текин лаборатория эшиги ёнида турнақатор тизилган. Айтишларича, энди хусусий клиникаларнинг лабораторияларига боришга ҳожат қолмас эмиш. Мени ўйлантирган нарса шу бўлдики, олдинлари текин бўлган баъзи бир таҳлиллар хусусий лабораторияда олинадиган бўлса, бу аҳоли учун нима наф? Бу қандай муаммоларни келтириб чиқаришини кўз олдингизга келтиряпсизми?

Маълумотларга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 7 январдаги 2-сонли буйруғига кўра, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг барча оилавий поликлиникалари, тиббиёт бирлашмаларининг марказий поликлиникалари, жами 178 та тиббиёт муассасасининг лабораториялари Марказлашган клиник диагностика лойиҳаси доирасида «Intermed Innovation» МЧЖга топширилган. Лойиҳа бюджети 9,5 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, бу бюджет маблағлари ва банк кредитларини жалб қилмасдан хусусий инвестициялар ҳисобидан шакллантирилган. Айни пайтда лойиҳа Тошкент шаҳрининг Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманларидаги давлат поликлиникаларида ишга туширилди ва фойдаланишга топширилди. Тошкент бўйича тўлиқ



Ундан кўра аҳоли учун бепул таҳлиллар сонини кўпайтириш ҳақида ўйлаб кўрилса бўлмасмиди?

марказлаштириш 2022 йил 1 апрелдан режалаштирилган. Ушбу лойиҳа ёмон ва сифатсиз давлат хизматларидан воз кечиш учун қилинаётган эмиш. Аммо айтиш мумкинки, мана шу хизматларга ҳам минглаб одамларда эҳтиёж бор. Шу ўринда савол туғилади. Ушбу пулли хизмат бизга керакмиди? Ундан кўра аҳоли учун бепул таҳлиллар сонини кўпайтириш ҳақида ўйлаб кўрилса бўлмасмиди?

Аслида мазкур буйруқ корхонанинг клиника-диагностика лабораторияси хизматлари бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ягона монополь компанияга айланишини билдирмайдими? Яъни хусусий монополия яратилади. Бу нима дегани? Яна битта монополия яратил-

ди, дегани. Нархларини суриштириб кўрдим. Битта таҳлил учун кетадиган пул камида 200-300 минг сўмга борапти. Бу маблағ баъзи оилалар бюджетига мутлақо тўғри келмайди-ку.


«Intermed Innovation» қандай йўл билан ёки қандай жараёнлар орқали лойиҳа оператори этиб танлаб олинганлиги, концессия шартлари, хусусан, ҳар бир тадқиқот тури бўйича лаборатория диагностикаси хизматининг энг юқори қиймати ҳақида маълумотлар йўқ.

Хўш, «Intermed Innovation» қаердан келиб қолди? Очiq маълумотларга кўра, «Intermed Innovation» МЧЖ ҚҚ 99,3 фоизи улуши Шотландиядаги офшорда, EDINBURGH, OFFICE 7, 196 ROSE STREET манзилдан рўйхатдан ўтган Silverdale Trade L.P. га тегишли ҳисобланаркан. «Intermed Innovation» МЧЖ ҚҚ билан Ўзбекистонда «HEALTH LAB PLUS» МЧЖ, шунингдек, солиқ ва бошлар тўланмайдиган Жиззах эркин иқтисодий зонасидан рўйхатдан ўтиб олган «BEK OIL» МЧЖ, «JIZZAKH YM» МЧЖ ҚҚлар аффилиланган. Компания ташкил этилгандан буён компания Бош директори Олег Живетин экан.

Демак, борган сари беморга ташхис қўйдириб олишнинг ўзи катта муаммога айланыпти. Чунки ташхис қўйилгунгача бўлган жараёнда, яъни таҳлилларга қанча маблағ кетишини хом чўт қилиш айтиш ҳолатни кўрсатиб беради.

МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК

Китоблар қайтариладими?



Ўзбекистон Миллий университетининг Нодир қўлёзмалар музейида сақланаётган «Баҳоси миллион доллар» турувчи бир қатор китоблар — XIII асрга оид Абу Бакр Собунийнинг қўлёзма асари, Шарофиддин Али Яздийнинг XV асрда ёзилган «Муқаддимаи Зафарнома» қўлёзма китоби, Алишер Навоийнинг тилла суви юритилган «Хамса» достони ва бошқа ўнлаб нодир қўлёзмалари ЎЗМУ кутубхонасидан «сирли» тарзда йўқолиб қолгани жамоатчиликни ташвишлантириб қўйган.

Маълумотларга кўра, нодир китоблар сақланадиган махсус бино таъмирланиш учун уч йил илгари ёпилган ва очилганидан кейин юқоридан тилга олинган асарларни бошқа ҳеч ким кўрмаган.

Аслида ушбу музей 2006 йил 31 мартда ташкил қилинган. 2018 йил Миллий университет 100 йиллигига бағишлаб чоп қилинган китобда Нодир қўлёзмалар музейида 1465 номдаги араб ёзуви ўзбек, форс, туркий, араб ва тожик тилларидаги қўлёзма китоблар, хат ва ҳужжатлар сақланиши айтилган.

Шу боис ушбу масала юзасидан Бош прокуратура суриштируви бошланди. Университет маъмурияти эса жамоатчиликка бир неча қадимий китобларни намойиш этдилар. Уларнинг таъкидлашича, бу айнан ўша номи тилга олинган нодир қўлёзмалар экан. Аммо миллион долларлик асарларни кўргани келганлар орасида бирорта ҳам университет маъмурияти гапларини тасдиқлайдиган мутахассиснинг йўқлиги, саволларни янада кўпайтирганди. Одамлар хоҳлаган эски китобни олиб, уни айнан ўша нодир қўлёзмалар, дея тақдим қилиш мумкинлиги эса ҳақиқатга яқин эди. Лекин университет маъмурияти

бизнинг Ўрта Осиёда етакчилик қиладиган экспертиза салоҳиятимиз ҳақида хабарлари бўлмас керакда.

Шундан сўнг, ниҳоят прокуратуранинг текширишлари ўз ниҳоясига етиб, ЎЗМУ Аxbopот-ресурс маркази фондида сақланган XIII-XIX асрларга оид қиймати 2,6 миллиард сўмлик тарихий ва бадий аҳамиятга эга 56 дона қўлёзма ва 6 дона тошбосма асарлар талон-торож қилингани ва бошқа жиддий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. 2022 йил 19 февраль куни университет мансабдор ва моддий жавобгар шахслари, хусусан, Аxbopот-ресурс маркази директори ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди, 207-моддаси 1-қисми ва 227-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзга тилиб, иш ҳужжатлари тергов ҳаракатлари олиб бориш учун Тошкент шаҳар прокуратурасига юборилган.

Жиноятчилар жазоланар, аммо йўқотилган ёки сотиб юборилган (хорижда бундай ноёб қўлёзмалар жуда қиммат) китоблар қайтарилармикан? Аслида китоб ўғрилари ҳеч қачон китобни қайтаришмаган.

Шу пайтгача қанчадан-қанча бундай ноёб асарлар талон-торож қилинганини ҳам билмаймиз. Юртимиз қадимий тамаддун марказларидан бири бўлгани боис кутубхоналаримиз, музей архивларимизда қиймати миллионлаб доллар билан ўлчанадиган экспонатлар, нодир қўлёзмалар бисёр. Аммо уларнинг қаердалиги, қиймати, аҳамияти баён этилган ягона очiq реестр шакллантирилмаган. Шакллантирилган бўлса, жамоатчиликка ошкор қилинмаган. Хуллас, биз — одамлар, ОАВ, жамоатчилик қанча номоддий бойликларимиз борлигини билмаймиз. Бу эса қинғир ниятли кимсаларга қўл келиши тайин.

Шундай экан, масала юзасидан махсус реестрлар орқали очiq жамоатчилик назорати йўлга қўйилмас экан, номоддий бойликларимизни талон-торож қилишни истаб қолувчилар топилаверади.

Нилуфар ЮНУСОВА.

ЭЪЛОН

Камалова Раъно Хусниддин қизига 2014 йилда Тошкент шаҳар Юнусобод дизайн касб-хунар коллежи томонидан берилган К №3543175 (Per №98) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ИЖТИМОЙ ШАРТНОМА ТИЗИМИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Ижтимоий ҳимоя — кенг маънода мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ҳамда жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи. Бошқача айтганда, давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги гамхўрлигини англатади.

Президентнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонида **Тараққиёт стратегияси**да инсон қадрини улғушлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича алоҳида вазифалар белгиланган бўлиб, улар доирасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш, ижтимоий ҳимоя соҳасида **ягона давлат сиёсатини** амалга ошириш, **ижтимоий суғурта** тизимини яратиш, кам таъминланган оилаларга ижти-



мой ёрдам ва хизматларни **ижтимоий шартнома асосида** тақдим этиш, «**Ижтимоий ҳимоя ягона реестри**» ахборот тизимида алоҳида маълумотлар базасини яратиш каби муҳим вазифалар белгилаб олинган.

Бу ўринда **ижтимоий шартнома тизимига эътибор қаратадиган бўлсак**, дунё амалиётида ижтимоий шартномага қийин иқтисодий вазиятга тушиб қолган кишиларнинг ушбу вазиятдан чиқиб кетишини рағбатлантирадиган механизм сифатида қараш шакллانган. Шу боис бу тизим, аввало, камбағал оилалар ва қи-

йин вазиятга тушиб қолган ёки ўз муаммоларини мустақил ҳал қила олмайдиган аёллар, кам таъминланган ва ночор аҳволда яшаётган, жамият иқтисодий ҳаётида ўз ўрнини топа олмайдиган, ўзини таъминлашга қодир бўлмаган ва фақат давлатдан моддий ёрдам кутаётган фуқароларни қамраб олади.

Ижтимоий шартнома тизимидан кенг фойдаланишнинг вазифалари ва йўналишлари дастлаб **2020 йил 8 октябрь кун**и Президент Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгиланганини қайд этиш лозим.

Айнан молиявий қийинчиликлар инсонларнинг таълим олиши ва касб-хунар эгаллашига асосий тўсиқ эканини ҳисобга олган ҳолда, унинг **молиялаштириш манбалари аниқ белгиланган**. Чунончи, ижтимоий шартнома доирасида нодавлат касб-хунар таълими марказларида, шунингдек, малака ошириш курсларида ўқиш истагини билдирган ёшлар ва аёллар ўқиш харажатларини қоплаш учун **бир миллион сўмгача** субсидиялар олишлари мумкин.

Ижтимоий шартнома тизимининг жорий этилиши Президент томонидан имзоланган «**2021-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги фармойишда ҳам алоҳида қайд этилган. 2021-2030 йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси концепцияси нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Халқаро

меҳнат ташкилоти, Бирлашган миллатлар ташкилотининг тараққиёт дастури, БМТ болалар фонди, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилгани ижтимоий шартнома институти фуқароларимизни боқимандалик кайфиятидан халос қилишнинг ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишнинг истиқболли тизими эканидан далолат беради.

Гулноза САТТАРОВА,
Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи,
юридик фанлари номзоди,
Зебинисо ШЕРБОЕВА,
Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти етакчи илмий ходими.

Реклама

Ўзбекистон давлат консерваторияси қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:

- ✓ «Муסיқа тарихи ва танқиди» кафедраси: кафедра мудири;
- ✓ «Академик хор дирижёрлиги» кафедраси: кафедра мудири, профессор;
- ✓ «Торли чолғулар» кафедраси: кафедра мудири;
- ✓ «Концертмейстерлик маҳорати» кафедраси: кафедра мудири;
- ✓ «Камер муסיқаси» кафедраси: кафедра мудири;
- ✓ «Пуфлама ва зарбли чолғулар» кафедраси: кафедра мудири;
- ✓ «Факультетлараро фортепиано ижрочилиги» кафедраси: кафедра мудири;
- ✓ «Ўзбек тили ва ижтимоий фанлар» кафедраси: кафедра мудири;
- ✓ «Ўзбек муסיқаси тарихи» кафедраси: профессор;
- ✓ «Академик хонандалик ва опера тайёрлови» кафедраси: профессор;
- ✓ «Муסיқа назарияси» кафедраси: профессор, доцент, катта ўқитувчи;
- ✓ «Композиторлик ва чолғулаштириш» кафедраси: катта ўқитувчи.

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

ректор номига ариза;
ходимлар шахсий варақаси;
олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати мутахассислик бўйича охириги уч

ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси;

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил: 100027, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.

«Солиқчи — тадбиркорга кўмакчи»

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Давлат солиқ инспекцияси Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш шўъбаси ходимлари томонидан «Солиқчи — тадбиркорга кўмакчи» тамойили доирасида тадбиркорлик субъектларига манзилли кўмак бериш бўйича мунтазам амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2021 йил давомида узоқ муддатан буён фаолият кўрсатмаётган 79 та корхона ҳамда 2020 йилда янги очилган ва пандемия шароитида фаолияти тўхтаб қолган 100 та тадбиркорлик субъекти фаолияти қайта тикланди ва ҳозирги кунда ушбу корхоналар ўз фаолиятини юритиб келмоқда.

Фаолияти тикланган корхоналарга, аввало, давлатимиз томонидан берилган имкониятлар, имтиёз ва преференциялар бўйича тушунтиришлар берилди. Дастлабки бухгалтерия ишларини бошлашда солиқ ҳисоботларини тўғри, аниқ ва ҳаққоний юритиш бўйича солиқ хизмати ходимлари туман ҳокимлиги, Марказий банк, туман электр тармоғи, туман газ таъминоти ва бошқа ташкилотлар мутасаддилари билан ҳамкорликда зарур би-

лимлар берилди, корхоналардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг иш фаолиятини бошлашга кўмак кўрсатилди. Бунинг натижасида 2021 йил фаолияти тикланиб, иш бошлаган корхоналар томонидан 4,8 млрд. сўмлик товар айланмаси амалга оширилишига ва бюджетга ўртача 192,0 млн. сўм қўшимча солиқ ундирилишига эришилди.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири бўлган ишсизликни камайтириш бўйича тегишли «йўл харитаси» асосида ўртача 531 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди ва туманимиздаги ишсиз аҳоли сони маълум маънода камайишига ҳисса қўшилди.

Шўъба ходимлари томонидан мунтазам равишда солиқ қонунчилигига киритилаётган ўзгариш ва янгиликлар ўрганилиб, тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ташкил этилиб, уларга тушунтиришлар бериб келинмоқда.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Давлат солиқ инспекцияси Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш шўъбаси.
(Реклама ҳуқуқи асосида)

АДВОКАТЛАР

СУДЬЯ ВА ТЕРГОВЧИНИНГ РАҚИБИ ЭМАС



Бугун суд-ҳуқуқ соҳасида жиддий ислохотлар кечяпти. Айниқса, адвокатлар фаолиятига доир қонунлар янада такомиллаштирилди. Аммо шунга қарамасдан одамлар негандир адвокатларга унчалик ишонмаяпти. Ҳатто айрим ҳолатларда адвокатларни фирибгарга ҳам тенглаштиряпти. Эмишки, қоп-қоп ваъдалар бериб, жарақ-жарақ пулингизни олиб, яна судда ютқазиб қўйишётганмиш.

Асосий айб сифатида адвокатларнинг ўз ишини миригача билмаслиги қайд этиляпти. Ростдан ҳам, аксарият адвокатлар фуқаролик, иқтисодий масалаларни тушунмайди. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи жиҳати, улар фаолиятида суд ва прокуратура билан боғлиқ муаммо кўзга ташланыпти.

Бу мавзуда суҳбатлашган аксарият фуқаролар адвокатларга ишонмаслигини очиқ-ойдин билдирди.

Шу боис иккинчи томон фикри билан ҳам қизиқдик. Одамлар нега адвокатларга ишонмайди? Бунинг сабаблари нимада?

«Адвокат универсал» адвокатлик фирмаси ходими Нозим Умаровнинг фикрича, расман «очиқ», амалда эса ёпиқ суд тизимини ўзгартирмас эканмиш, минг зўр адвокат бўлмасин натижа «нол»га тенг бўлаверади. Масалан, кейинги пайтда адвокатура фаолияти бўйича жиддий ислохотлар қилинди. Адвокатларга кўп ҳуқуқлар берилди. Аммо амалда бу қонунлар барибир ишламаяпти.

Мисол учун, тергов ва суд жараёнига мобил телефон билан киришга рухсат берилган. Бироқ кўп ҳолларда бунга судья ва терговчилар рухсат бермайди. Нега деб сўрасак, ички тартиб шундайлигини айтишади. Ёки гувоҳларни судга чақириш ваколатимиздан ҳам суд хоҳламаса, фойдалана олмаймиш. Бу каби ҳолатлар тажрибамда кўп кузатилган. Адвокатларга суд ва прокуратура ходимлари худди рақибга қарагандек қарайди. Аслида бундай бўлмаслиги керак. Ёки мижоз ҳимояси учун келганимизда терговчилар бизни ташқарида

қолдиришади. Гарчи адвокатлик фаолиятига доир янги қонунлар чиққан бўлса-да, жараён эскича тарзда бўляпти. Судларда ҳамон эскича сиёсат юритиляпти. Суд ҳукми, қарори ёки ажримдан норози бўлиб, апелляция берилса, яна ўша суд охириги сўзни айтади. Натижада иш касация тартибида кўришга юборилади. Мен бу фикрларим билан ҳамма адвокатлар яхши, виждонли, деган фикрни илгари сурмоқчи эмасман. Тўғри, ҳамкасбларим орасида ўз ишини яхши билмайдиган, қонунларни тушунмайдиганлар ҳам бор. Лекин бу ҳолат умумий манзарада барча адвокатларга баҳо бўлмаслиги керак. Яхши, профессионал адвокатлар кўп.

«Алимов групп» адвокатлик бюроси раҳбари Алеёр Алимовнинг фикрича, адвокат мижоз ҳимоячиси, аммо бу жиноят қилган инсонни оқлаб беради, дегани эмас. Тергов ва суд жараёнини адолатли ўтиши, қарор, ҳукмлар тўғри чиқишини таъминлаб беради. Асло жиноятчини жазодан сақлаб қолишга масъул эмас. Агар фуқаро жиноят содир этган бўлса, бу инсонга ёрдам бера олмайди. Афсуски, аксарият жиноят қилган одамларда ҳозир адвокат ёллайман, у мени қутқариб қолади, деган нотўғри қараш бор. Адвокат қораловчи, терговчи ёки суд томонидан иш бир томонлама кўриляётган бўлса, қонунга амал қилишни таъминлайди.

Масалан, қўлимда бир иш бор. 6 ойдан бери аниқ бир жиноят бўйича жиноий иш оча олмаяпмиш. Мана шу каби ҳолларда адвокат хизмати зарур. Мутахассис шундай

Агар фуқаро жиноят содир этган бўлса, бу инсонга ёрдам бера олмайди. Афсуски, аксарият жиноят қилган одамларда ҳозир адвокат ёллайман, у мени қутқариб қолади, деган нотўғри қараш бор.

вазиятда мижозга ҳуқуқий ёрдам беради.

Ёки бошқа бир ҳолатда мижозим жиноят қилган. Бундан оляпти, бироқ терговчи тергов давомида уни шу ишга мажбур қилган иккинчи томон айбини эътиборсиз қолдирияпти. Мана шундай вазиятларда эса мижозлар гўёки адвокатни айблашга ошиқади. Бу масалада порталга ҳам мурожаат қилдим. Ҳолатда жиноятни яширгани учун терговчи ва прокуратура ходимига жиноий иш кўзга шикан бўлса-да, натижа йўқ. Масала шундаки, юқоридаги ходимларга ким иш кўзгайдими? Лекин кишини хурсанд қиладиган жиҳат — охириги

пайтда судлар адвокатларга ёрдам берапти. Шу каби эътирозларни айтсак, ишни қайта кўриш учун қайтармоқда.

Энди бевосита мавзуга қайтсак, терговда терговчи томонидан нотўғри ҳулосалар берилган, тергов жараёнини сохталаштириш сезилган бўлса, фактлар билан асослаб, прокурорга ёзсак, эътиборсиз қолмоқда.

Масалан, тажрибамда 2017 йил шундай воқеа бўлган. Сирдарё вилояти Оқ олтин туманида бир фуқаро уй сотиш мақсадида танишидан 5 минг доллар пул олади. Кейинроқ нотариусда ҳужжат расмийлаштираётганда қолган суммани олишини айтган. Бу бўйича тилхатда кўрсатиб, уй учун 5 минг доллар олдим, деб ёзган. Аммо бу пулларни бошқа мақсадда ишлатиб юборган. Аммо уйни сотиш, олди-сотди шартномасини расмийлаштиришни ортга суради. Мақсад аслида уйни сотиш бўлмаган. Бу жиноят кодексига фирибгарлик, деб малакаланади. Бироқ терговда пул олган одам қарзга олгандим, дейди ва терговчи иш бўйича жиноят аломати бўлса-да, фуқаролик судига йўналтирган. Яъни бир фуқаро иккинчисидан вақтинча қарзга пул олган, бундан фуқаролик тартибида кўриш керак, деган ҳулоса берган. Мен эса бу ҳолатда фирибгарлик, яъни Жиноят кодексининг 168-моддаси бўйича кўриш лозимлигини сўраб, прокурорга мурожаат қилдим. Терговда жиноятни яшириш борлигини билдирдим.

Ишонасизми, шу фирибгарлик ортидан пул олган одам кейин мижозимга қасддан тухмат уюштирди. Уни гиёҳванд моддалар савдосида айблашди. Мана шу жараёни исботлашим учун 3-4 ойдан ортиқ вақтим кетди. Ниҳоят мижозимга қўйилган айбонни ўйлаб топилганини тан олишди. Ҳатто ўша жараёнда «опер»лар қандай сўроқ қилгани, алдаб кўрсатма олгани, сенга ёрдам берамиз, деб имзо қўйдириб олганини видео ёзувлари бор. Бу уюштирилганини исботлаган бўлсакда, барибир биринчи ҳолат

— 168-модда бўйича жиноят иши очилмади. Аслида ҳаммаси шундан бошланганди.

Яна бир муаммоли масала, бу мобил телефонлардан фойдаланишда учрамоқда. Президент Фармонида адвокатлар суд ишларида мобил телефондан фойдаланишига рухсат берилган. Аммо кўп ҳолларда судьялар бунга рухсат бермайди. Сабаби Фуқаролик кодексига суд жараёнини аудио тарзда ёзиб олиш ҳар икки томоннинг розилиги билан амалга оширилиши кўрсатилган. Афсуски, аксарият ҳолларда даъвогар ёки жавобгар томондан бири бунга қарши бўлади. Суд эса шуни асос қилиб, адвокатга мобил телефондан фойдаланишни тақиқлайди.

Аслида суд ишларида мобил телефонлардан фойдаланиш учун барчага рухсат берилса, адвокат хизматига ҳоҳат қолмасди. Чунки жараён ёзиб олинса, ўз-ўзидан судда адолатсиз ва қонунга зид қарор чиқариш имконсиз бўлади. Агар шундай бўлса, фуқароларда бундан исботлашга асос яратилади. Мана шунда менимча, суд ишлари янада шаффоф ва адолатли ўтиши таъминланади.

Қолаверса, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти ўзгармаса ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва судларда ишлаш тартиби ислоҳ қилинмаса, адвокатлар кўл-оёғи боғлиқ қолаверади. Қолаверса, адвокат жиноятчини оқлаб бера олмайди. Аксарият ҳолларда жиноят қилган инсонлар суд ҳукмидан кейин адвокатни айблашади.

Ҳулоса сифатида айтдиган бўлсак, қонун бўйича ижобий ечим топмайдиган иш учун ҳам адвокатни айблаш нотўғри. Адвокат қонунлар тақиқлаган чегарадан ўта олмайди ва ҳар қандай ҳолда ҳам мижозни оқлашга мажбур эмас. Афсуски, кўп ҳолларда ишнинг натижаси ўз фойдасига ҳал бўлмаса, одамлар адвокатни айбдор санайверади. Бизнингча, бу нотўғри қараш, нотўғри ёндашув.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.

Мусобақаларга

ПУЛИ БОРЛАР

қатнашадими?



Эътибор берганмисиз, қишлоқ болаларидан кўра, шаҳардаги ўғил-қизлар спорт тўғаракларига кўпроқ боришади. Сабаби, барча қишлоқларда ҳам спорт мактаблари, тўғараклар мавжуд эмас. Қолаверса, қишлоқ болаларининг кундалик юмушлари бевосита жисмоний ҳаракат ва очик ҳавода юриши билан боғлиқ.

Шаҳарда эса бунинг акси. Айниқса, кўп қаватли хонадонларда яшовчи болаларнинг бўш вақтини бирор машғулот билан банд этмасангиз, ўзини худди қамоқхонада яшаётгандай ҳис этиб, зерикиб кетаётганидан шикоят қилаверади. Шу боис ҳар бир ота-она иқтисодий имкониятидан келиб чиқиш, фарзандларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун турли – фан, ҳунар ва спорт тўғаракларига жалб этишади.

Мен ҳам кўпчилик қатори фарзандимни пойтахтдаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидан биридаги самбо спорт тўғаракига берганман. Белгиланган ойлик тўловларини ҳам тўлаб боряпман. Барчаси яхши, фарзандимда ўзгаришлар ҳам бор. Лекин...


Гап шундаки, мураббийи фарзандимни мусобақага қатнашишини сўради. Аввалига хурсанд бўлдим, бироқ қатнашиш учун 125 минг сўм тўлов пули борлигини эшитиб, ҳафсалам пир бўлди. Айтишларича, тўланган

пул чемпионат ўтказётган ташкилотлар томонидан белгиланар экан.

Аммо Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари тўғрисида»ги Низомда спорт мактаблари ўқувчи-спортчиларнинг ўқув-машқ йиғинларида, туман, шаҳар, республика ва халқаро спорт тадбирларида қатнашишини таъминлаши белгилаб қўйилган. Ушбу низомда спорт мактаблари юридик ва жисмоний шахсларга ўз фаолияти ихтисосига мувофиқ жисмоний тарбия ва спорт соҳасида пулли хизматлар кўрсатиш, кўрсатилган хизматлар учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўлаш миқдорини белгилаши қайд этилган, лекин мусобақалар учун пул ундирилиши белгиланмаган.

Маълумот учун: Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғри-

Спортни ривожлантириш вазирлиги қўйи тизимдаги бундай масалаларга эътибор қаратишади. Йўқса, ҳақиқий спортчилар қолиб, пули борлар чемпионатларга чиқишаверади. Жаҳон ареналарида муносиб ўрин эгаллай олмаётганимизнинг сабаби ҳам шундадир балки...



сида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикасидаги спорт мактаблари асосий фаолияти болалар, ўсмирлар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этишга, спорт захираси ва юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил этишга йўналтирилган мактабдан ташқари спорт-таълим муассасалари ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур Низомда спорт мактаблари томонидан ўқувчи-спортчиларнинг турли даражадаги мусобақалар ва ўйинли учрашувларда иштирокини ташкил этиш; спорт-соғломлаштириш оромгоҳларида ўқувчи-спортчилар билан машқ ўтказиш; етакчи спортчилар иштирокида ўқув видео ёзувларини, кино дастурларни ҳамда спорт мусобақаларини кўриш ва таҳлил қилиш ҳам қайд этилган.

Кўриниб турибдики, мусобақаларда иштирок этиш учун ота-оналардан маълум миқдорда пул ундириш белгиланмаган.

Суриштиришларимиздан маълум бўляптики, кўпчи-

лик ота-оналар мусобақалар пулли эканини таъкидлашяпти. Масалан, Тошкент шаҳрида яшовчи Ботир Парпиевнинг айтишича, 2010 йил дзюдо тўғаракда шуғулланиб келаётган фарзандининг Қозоғистонда ўтказиладиган мусобақада қатнашиши учун 100 АҚШ доллари сўрашган. Шундан сўнг боланинг спортдан кўнгли совиган.

Бундай мисоллар кўп. Фақат аксарият ота-оналар фарзандининг келажагини ўйлаб, очик айтишни исташмаётир.

Аслида-чи, Аслида ҳар бир мураббий ўз гуруҳидаги етакчи спортчиларни мусобақаларга олиб чиқиши керак эмасми? Ёки ким пулини тўласа ўшалар мусобақага боришадими? Уйлаймизки, янги ташкил этилган Спортни ривожлантириш вазирлиги қўйи тизимдаги бундай масалаларга эътибор қаратишади. Йўқса, ҳақиқий спортчилар қолиб, пули борлар чемпионатларга чиқишаверади. Жаҳон ареналарида муносиб ўрин эгаллай олмаётганимизнинг сабаби ҳам шундадир балки...

Достон РУСТАМОВ.